**РЕЗЮМЕ**

Мақолада Қорақалпоғистоннинг Қўнғирот ва Мўйноқ тумани қозоқлари тилидаги балиқчиликка оид касбий сўзлар таҳлил қилинган. Мақолада бир қанча лексиколог ва диалектолог олимлар фикрларига таянилган. Балиқчилик касбига оид сўз ва сўз бирликлари бошқа ҳудудлар шевалари билан қиёсланган. Мўйноқ тумани қозоқлари тилидаги адабий эквиваленти мавжуд диалектал касбий сўзлар ва адабий эквиваленти йўқ диалектал касбий сўзлар алоҳида мавзувий гуруҳларга ажратилган ва улар мисоллар ёрдамида асосланилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье анализируются профессиональные слова связанные с рыболовством в языке казахов Кунградского и Муйнакского районов Каракалпакстана. В статье автор руководствуется мнениями ряда учёных лексикологов и диалектологов. Слова и словосочетания связанные с рыболовством сравниваются со словами и сочетаниями других территорий. Профессионализмы в языке казахов Кунградского и Муйнакского района разделены на такие группы, как диалектные профессионализмы без литературных эквивалентов и диалектные профессионализмы с литературными эквивалентами.

**SUMMARY**

The article is devoted to the analysis of professional words connected with fishing in Kazakh language of Kungrad and Moynakh regions of Karakalpakstan. The author of the article takes into account the viewpoints of the famous scholars- lexicologists and dialectologists. The words and word combinations in fishing are compared with words and expressions of other territories. The ct professionalizm in Kazakh of Kungrad and Moynak regions are divided into such groups as dialect professionalizms whit literary equivalents and without them.

# АСПЕКТУАЛ ФРЕЙМНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

**Ғ.Мирсанов** – *филология фанлари номзоди*
*Самарқанд давлат чет тиллари институти*

**Таянч сўзлар**: аспектуаллик, аспектуал семантика, чегараланганлик, фрейм, слот, тўгалланганлик.
**Ключевые слова**: аспектуальная семантика, аспектуальность, предельность, фрейм, слот, законченность.
**Key words**: aspectual semantics, aspectuality, narration, telicity, frame, slot, terminativity.

Лексик маънони тасвирлашда фрейм назариясидан фойдаланишга кенг эътибор қаратилмоқда. Лексик фреймнинг таркиби ва тизимида сўзларнинг маъно моҳияти уларни маълум тартибга солиш билан изоҳланади. Фрейм семантикаси сўз маъноларининг, шунингдек, янги сўз ва фразалар ясалиши тамойилларини характерловчи ва матн элементлари маъноларининг бир бутун матн маъноси қамровига тўпловчи ўзига хос кўринишини тақдим этади. Шунинг учун ҳам фрейм семантикаси формал семантикадан тил ва тажриба ўртасидаги кетма-кетликни ошириб кўрсатиши билан фарқ қилади [5:377]. Демак, фреймни маълум вазият ёки тушунчанинг маъно таркибини ифодаловчи қолип сифатида англашимиз мумкин. Маънони тушуниш учун тингловчидан сўзловчи фойдаланган фреймни қайта яратиш талаб қилинади. Шу боис ҳам маънонинг фрейм таҳлили структур семантика йўналишида маъқулланган таҳлилдан кўра батафсилроқ ва мазмунни тушуниш учун қулайроқ кўринади [2:247]. Е.Кубрякова фрейм борасида қуйидаги изоҳни беради: “Фрейм – набор предположений об устройстве формального языка для выражения знаний в качестве альтернативы для семантических сетей или для исчисления предикатов; набор сущностей, по предположению исследователя, существующих в описываемом мире (метафизическая интерпретация понятия); фрейм дает представление о том, какой вид знаний существенен для такого описания; организация представлений, хранимых в памяти (человека и/или компьютера) плюс организация процессов обработки и логического вывода оперирующих над этим хранилищем (эвристическая или имплементационная интерпретация). Фрейм – структура данных для представления стереотипных ситуаций, особенно при организации больших объемов данных” [4:187]. Шунинг учун ҳам фрейм семантикаси мустақил лисоний бирликлар туркумига кирувчи сўзлар, иборалар, махсус грамматик конструкциялари маъносини концептуал таркиб сифатида ўрганишга қаратилган ёндашув эканлигидан далолат беради.

Фрейм билан боғлиқ дастлабки ишлардаги таҳлилий тадқиқотлар кўпгина ҳолларда номинатив бирликлар доирасида олиб борилганлигини кузатиш мумкин. Аммо, Р.Лангакернинг “Когнитив Грамматика (Cognitive Grammar)”сида феълларнинг фрейм семантик хусусиятларига ҳам эътибор қаратилганлигининг гувоҳи бўламиз. Муаллиф грамматик система икки хил услубда кодлашиши мумкинлигини таъкидлайди: биринчидан, воқеа фрейми (*buy* ва *sell* қарама-қарши қўйилиши)га боғлиқ бўлган бир неча феълларнинг танлови; иккинчидан, шунга боғлиқ мос гап таркиби. Муаллифнинг қайдича, ички (эргаш) гап жойлашувининг бир хилда эмаслиги “грамматик иконниклик” деб аталувчи ҳодисани намойиш этади. Мазкур ҳолда, грамматик таркиб концептуал фарқланишда акс этади. Воқеа/ҳодиса (event) доирасида маънони очиб бераётган тил бирликлари таркиби нисбатан феъл танловига боғлиқ бўлса, қисман танланган грамматик конструкцияга (мисол учун. аниқ нисбат ва мажҳул нисбатнинг қарама-қарши қўйилиши) ҳам боғлиқ [9:527]. Ушбу боғлиқлик асосида воқеа/ҳодиса турлари ва унда иштирок этадиган слотларнинг ўзаро жойлашуви содир бўлади.

Фрейм аслида ўзаро боғлиқ бўлган слот (компонент)лардан ташкил топган билим бирлигининг тартибли тузилмасидир. Бунда слотларнинг миқдори моделлаштирилаётган вазиятлар миқдори билан мос келади. Фрейм атамаси негизида берилган концептга мос кела оладиган барча тил элементлари ҳам тушунилади [8:55]. Р.Лэнгакернинг тавсифича, бирор бир сўз ёки фрейм қисмини аниқлаш ўша тушунча элементини фаоллаштириш учун хизмат қилади. Вазиятларни тасвирлашдаги фрейм тушунчаси ўрнига В.Эвенс “перспектив система (perspective system)” атамасини қўллайди. Унга кўра воқеа қатнашувчилари ва саҳна кўриб чиқилиши орқали грамматик тус ўрнатилади. Мазкур система концептуал “перспектив нуқта”га боғлиқ бўлиб, тўртта схематик категорияларни қамраб олади: жойлашув (локатив), масофа, ҳаракат тури (mode) ва йўналиш [10:528].

Дирк Гиратс [6:73] инглиз тилидаги *through* предлогини фрейм тасвирида бериш мумкинлигини билдириб ўтади, унда рефренция нуқтаси, чизиқ бўйлаб ҳаракат, ўрта локативлик, ҳаракат хусусиятларига эгалиги айтилади, масалан, *I walked through the woods.* Келтирилган изоҳлардан кўриниб турибдики, феъл билан боғлиқ фреймлар маълум ҳодиса ёки вазиятларни тасвирлашда иштирок этувчи тил бирликларининг яхлит маъносини англашга имкон беради. Дирк Гиратс феълнинг семантик таркибини тушуниш учун “саҳна” ёки “вазият” тушунчасини характерловчи фрейм схемаси

имкониятларини англаш талаб этилади, деган фикрни билдириб ўтади. Унинг таъкидлашича, фрейм семантикасида феъл структурасининг семантикасини тушуниш учун схемалаштирилган саҳна (кўриниш) хусусиятларини тушуниш муҳим. Саҳна эса кичик ва мавҳум "вазият" турини характерлайди [6:377]. Муаллиф сўз маъносини ўрганадиган концептуал семантиканинг тўртта турини келтиради: категориал структуранинг прототип модели, метафора ва метонимиянинг концептуал назарияси, фрейм назариясида тасаввур қилинадиган когнитив моделлар ва маъно ўзгаришини ўрганишга ҳисса қўшадиган когнитив семантика. Тилнинг мазкур тўртта лисоний концепцияси контекстга оид маънонинг прагматик ўзгарувчанлиги каби ҳодисаларни когнитив ҳодиса сифатида ўрганади [6:203].

Аспектуалликнинг функционал семантик майдондаги талқинида аспектуал маънолар семантик майдоннинг бир бўлаги сифатида қаралади ва шу асосда маълум вазиятлар аниқланиб, таснифланади.

Турли структурали фреймларни ўрганиш фрейм слотларининг боғлиқлик тартибини аниқлаш имкониятини берди. Шу нуқтаи назардан фреймларни ҳам тартибига кўра маълум турларга ажратиш мумкин. Жумладан, Т.В.Белашапкова фреймлар таснифини учта турга ажратишни таклиф этди: 1. ташқи синтактик (поверхностный синтаксический фрейм); 2. ташқи семантик фрейм (поверхностный семантический фрейм); 3.тематик фрейми (тематический фрейм) [1].

Мазкур турлар фреймларнинг негизи бўлиб, улар вербал маълумотнинг категориялашишининг асосий ва умумий принципларини кўрсатади. Бу маълумот материал дунё, уларнинг хусусиятлари ва амалда қўлланилишининг онтологик жиҳати ҳисобланади. Демак, фреймлар маълум вазиятларни англаш учун ҳам хизмат қилади.

Тилнинг грамматик системасида ўзига хос хусусиятларга эга бўлган аспектуалликнинг предикатлар доирасида қўлланилишини фреймлар асосида таҳлил қилиш, ҳодиса, вазиятларга аниқлик киритиш имконини беради. Аспектуал маъноларни ташкил қиладиган семантика сифатида темпорал, процессуал, итератив, инхоатив ва бошқа шу каби хусусиятлар қаралиб, улар мулоқотдошларнинг субъект-объект муносабатларида, маълум нутқ вазиятларида юзага келади. Бу ҳолатда фрейм маълум бир тилдан фойдаланувчига муҳим бўлган тушунчани умумлаштирувчи структура бўлиб хизмат қилади.

Маънолар таҳлили борасидаги назарий қарашлар, амалга оширилган тадқиқотлар кўпчиликни ташкил қилса-да, когнитив нуқтаи назардан таҳлил этилиши мумкин бўлган ишлар ҳозирча етарли эмас. Онтологик жиҳатдан кенг асосли назарий таклиф А.В. Бондарконинг функционал-семантик майдон (ФСМ) назарияси саналади. ФСМнинг таҳлил методи қуйидагиларга асосланилади: 1) аспектуаллик, замонннинг мослашуви, таксис; 2) темпораллик, модаллик; 3) персоналлик, нисбат; 4) субъективлик, объективлик, нутқнинг коммуникатив таркиби; 5) сифатий хусусиятлар, миқдор, компаративлик, поссесивлик; 6) локативлик, шартлилик майдони мажмуи [2,3].

Фикримизча, аспектуал фрейм ўз ичига битта ёки бир неча эпизодларни қамраб оладиган, яъни бир вазиятли ва шунингдек кўп вазиятли жараёнларда ифодаланадиган маълумотлар таркибини гуруҳловчи қолип ҳисобланади. Чунки, ҳар бир фрейм маълум слотлар асосида юзага келади. Хусусан, тугалланишни битта фрейм сифатида қабул қилсак, мазкур маънони ташкил этадиган бирликларни слот сифатида бериш мумкин. Слотларнинг ифодаланиш белгилари бир тилда бошқасидан фарқ қилади. Мисол учун оладиган бўлсак, ўзбек тилида тугалланиш маъноси бир неча кўмакчи феъллар, *жумладан –битир, -тугат, -ташла, -чиқ, -бўл* ёрдамида ифодаланади. Масалан: *ўқиб битирмоқ, ўқиб тугатмоқ, ўқиб ташламоқ, ўқиб чиқмоқ, ўқиб бўлмоқ*. Аммо уларнинг қўлланилиш усули, маъно хусусиятлари етакчи феъл семантикасидан келиб чиқган ҳолда танланади. Шунингдек, уларнинг қўлланилиш жараёни бевосита вазият билан алоқадорликка эга. Демак, келтирилган бирикмалар слотларни ташкил қилади. Шунинг учун ҳам уларни битта тугалланган аспектуал фреймга бирлаштириш мумкин. Инглиз тилида мазкур тугалланиш маъноси махсус лексик бирликларда, яъни to finish, to end, to stop феъллари, перфект қурулмалари ва феълларнинг чегараланганлик хусусиятлари, баъзи предлоглар, адвербиаллар ёрдамида ифодаланади.

Аспектуал фреймда бошланиш, давомийлик каби факторларнинг мавжуд бўлиши муҳим ҳисобланади. Феълнинг аспект хусусиятини чекланган фразада аниқлаш ихчамлаштирилган аспектуал фреймни ташкил қилади. Баъзи бир ихчамлаштирилган аспектуал фреймлар вазият ўзгаришидаги ҳолатни чегаралаб келади. Бу, айниқса, ифодаланадиган феъл ҳаракатининг инкор этилишида кузатилади.

Тил тизимидаги структуралаш, маълумотлар таркибини қайта ишлаб чиқиш маълум фундаментал категорияга асосланган ҳолда амалга оширилади. Мисол учун объект, субъект, ҳаракат, муносабат, макон, вақт ва бошқа шу каби белгилар когнитив системада бирикиб, ўша системага хос бўлган фреймларни ҳосил қилиши мумкин. Барча фреймлар ҳам берилган системага тегишли бўлмаслиги мумкин, аммо уларнинг ифода воситалари ушбу вазиятга мос келиши мумкин.Масалан: I could see the stalled column between the trees in the rain as I <u>went forward</u> across from it in the field (Hem, 177); 2) We <u>went on down the clear road</u> and as it turned a corner into the open and went into the square arched tunnel of matting the rain started (Hem, 170); 3) Let's go there "all right" she said. We <u>went on past</u> <u>other windows</u> turn down Aside Street (Hem, 217).

Келтирилган биринчи мисолдаги "*I could see the stalled column between the trees in the rain"* фрейми иккинчи вазиятда юзага келган процессualликнинг ифодаланишига замин яратади, яъни иккинчи вазиятдаги процессуалликнинг модификатори ҳисобланади. Иккинчи мисолда эса, бир неча фреймларнинг уюшиб келиши вазиятни ўзгача ифодалайди, яъни "*turned a corner into the open", "went into the square"* кичик эпизодлар субъектнинг процессуал ҳаракатининг юзага келишига имкон яратган. Учинчи мисолдаги модификатор сифатида, субъект томонидан келтирилган маълумот "*Let's go there"* ушбу вазиятда субъектларнинг макондаги вазиятини ва уни тарк этишга бўлган мақсадини, кейинги жумладаги ҳаракатнинг бошланишини кўрсатиб келган ва бошланиш концептини юзага келишида муҳим ўрин тутган. Келтирилган гаплардаги "*as"* боғловчиси эса, синтактик-семантик боғлиқликни юзага келтириб, айтиб ўтилган эпизодларнинг ўзаро узвийлигини таъминлаган.

Аспектуал фреймни ташкил этадиган тил бирликлари структура ва семантик жиҳатдан мураккаб тузилишга эга. Семантик нуқтаи назардан фарқланиш қатнашувчи тил бирликларнинг предикатга мослашиши ва улар узатадиган маълумотларга боғлиқ. Структурал хусусиятларни қиёсланаётган тилларда маълум аспектуал маълумотнинг ифодаланиш усулларининг фарқланишида кузатишимиз мумкин. Семантик

жиҳатдан ҳар бир слот (компонент) фрейм доирасида ўзига хос функционал вазифаларга эга томонларини кузатдик. Жумладан, тугалланишни англатадиган тил бирликларининг нафақат шаклий кўрсатгичлари, таркибий бўлаклари, балки маъно ва мазмун жиҳатидан ҳам турлилиги кўриб ўтилди. Аспектуал фреймлар фақатгина феъл доирасида эмас, балки номинатив бирликларнинг таъсирини ҳам эътиборга олади. Аспектualликнинг фрейм сифатида воқеаланишида уларнинг структур, семантик ва функционал хусусиятларга боғлиқлигини кузатиш мумкин.

**Адабиётлар**


1. Белошапкова Т.В. Когнитивно-дискурсивное описание категории аспектуальности в современном русском языке. Автореф. дисс....док. филол. наук. –Москва: 2008. –С. 40.
2. Бондарко А.В. и др,. Теория функциональной грамматики. Введение. Аспектуальность. Временная локализованность. Таксис (Коллективная монография). -Л.: «Наука», 1987. –С.348.
3. Сафаров Ш. Семантика. –Тошкент: "Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси", 2013. 344-б.
4. Кубрякова Е.С., Демьянков В.З. и др. Краткий словарь когнитивных терминов. – М.: 1996. – С.187
5. Dirk Geeraerts. Cognitive Linguistics: Basic Readings. (*Charles J. Fillmore* 373-401.)**.** Frame semantics. Mouton de Gruyter. 2006. 496-p.
6. Dirk Geeraerts. Cognitive Linguistics: Basic Readings. Grammatical construal. The relation of grammar to cognition. Mouton de Gruyter. 2006. 496-p.
7. Dirk Geeraerts. Theories of Lexical Semantics**.** Oxford University Press. 2010. -342-p.
8. Rene Dirven, Marjolijn Verspoor. Cognitive Exploration of Language and Linguistics. Amsterdam_/_Philadelphia: John Benjamins Publishing Company. 2004. 290-p.
9. Ronald W. Langacker. Cognitive Grammar. Oxford University Press. 2008. 571-p.
10. Vyvyan Evans and Melanie Green. Cognitive Linguistics. An Introduction. Edinburgh University Press, 2006. 851-p.



**РЕЗЮМЕ**

Мазкур мақолада аспектуал семантиканинг фрейм доирасида ўрганилишининг назарий асослари берилган ва маълум мисоллар асосида таҳлил этилган. Аспектуал фреймни ташкил этган тил бирликлари структура ва семантик жихатдан мураққаб тузилишга эга. Семантик нуқтаи назардан фарқланиш қатнашувчи тил бирликларининг предикатга мослашиши ва улар узатадиган маълумотларга боғлиқ. Аспектualликнинг фрейм тадқиқининг майдон назариясидан фарқланиш хусусиятларини очиб бериш мақола мазмуни ҳисобланади.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматривается изучение аспектуальной семантики в сфере фреймов и приводятся теоретические основы этого подхода. Языковые единицы аспектуальных фреймов имеют сложные структурные и семантические образования. Разница языковых единиц и предикатов, с семантической точки зрения, связана с соответствием и передающейся информацией. Основным содержанием статьи является - показать различие полевой теории и теории фреймов в исследовании аспектуальности.

**SUMMARY**

The article deals with the study of aspectual semantics in frame field and there are suggestions on the theoretical basis of this approach. The language units in actual frames have complex structural and semantic forms. The differences of language units and predicates from the semantic point of view, are connected with concordance and information. The main content of the article is to differentiate theoretical approaches to frame and field.


# ҚАРАҚАЛПАҚ ТИЛИНДЕГИ ЭТНОГРАФИЗМЛЕРДИҢ АФФИКСАЦИЯ УСЫЛЫ МЕНЕН ЖАСАЛЫЎЫ


**А.А.Сабурова –** *филология илимлериниң кандидаты*

*Өзбекстан мәмлекетлик көркем өнер ҳәм мәдeният институты Нөкис филиалы*



**Таянч сўзлар:** қўшимча, тузиш, яратиш, сўзнинг пайдо бўлиши, қалин мол, қизнинг харажатлари.
**Ключевые слова:** окончание, создание, образование слова, выкуп, приданое.
**Key words:** ending, building, word formation, buying, dowry.


Ҳәр қандай тилдиң морфологиялық қурылысында дөренди сөзлер белгили бир орын тутады, Олар тилде атқаратуғын хызметлери, өзине тән өзгешеликлери менен ажыралып турады. Дөренди сөзлер − түбир ҳәм сөзлерге сөз жасаўшы қосымталардың қосылыўы менен жасалатуғын бирликлер. Сөз жасаўшы аффикслердиң жалғаныўы арқалы аффиксация усылы менен жаңа сөзлер жасалады. Бул усыл тилдеги ески ҳәм өнимли усыллардың бири.

Қарақалпақ тилиндеги этнографизмлер сөз шақаплары көзқарасынан алып қарағанда атлықлар түринде өнимли ушырасады. Атлық жасаўшы қосымталардың қосылыўы менен атаўыш тийкарлы ҳәм фейил тийкарлы дөренди атлықлар жасалып, олар тилдеги көплеген этнографизмлердиң пайда болыўына хызмет етеди.

**-Шы/-ши** қосымтасы кәсип ийесин билдиретуғын сөзлер жасайды. Этнографизмлердиң қурамында усы қосымта менен жасалған төмендеги сөзлерди көрсетиўге болады: *қуўғыншы, жаўшы, арқаламайшы, тойшы, тойханашы, сүйинши, айтыўшы ҳәм т.б.* Мысалы: Кемпир апасы болса оғада устамлы, тап тойға баратырғандай жасанып кийинип алған, мисли ***тойшыдай*** ҳәмме менен жаймашуўақ хош аллаяр айтысқан. (Ҳ.Өтемуратова)

**-Лық/-лик қосымтасы.** Кәсип атамасын, сондайақ, тамыр-таныслық, туўысқанлық, жақынлық ҳәм т.б. сыяқлы мәнилерди билдирип келетуғын атлықлар жасайтуғын бул қосымта этнографизмлерди жасаўда да өнимли қатнасады: ***қалыңлық, қудалық, қәделик, ҳайтлық, бенделик, көримлик, өлимлик, қурбанлық ҳәм т.б.*** Мысалы:

Жас та болсам қатықулақ сорлы едим,
Алпамыстың ***қалыңлығы*** деседи. («Алпамыс» дәстаны)

Қарақалпақ тилинде «қалың» сөзи турмысқа шығып атырған қыздың үйине күйеў тәрепинен төленетуғын нәрселерди билдиреди. Қазақ тилиндеги этнографизмлерди изертлеген илимпаз Г.Адилова бул этнографизмниң этимологиясы ҳаққында пикир жүргизе отырып, оннан жасалған қалыңлық этнографизми жөнинде былай деп жазады: «*Қалың* сөзинен қазақ ҳәм айырым түркий тиллериндеги *қалыңлық* «келиншек» сөзи пайда болған. Оған татар ҳәм башқурт тиллериндеги *кәләш* «айттырылған қыз, келиншек» сөзин де жақынластырыўға болады. Бул сөз қазақ тилинде *қалаш* түринде қолланылып, ол тек қоспа сөздиң қурамында ғана қолланылады: *қатынқалаш.* Себеби, *қалаш* ҳәм *кәләш* сөзлери бир морфема болып есапланады, басқаша айтқанда, *қалыңлық* сөзине семасиологиялық жағынан *қалаш* лексемасы жақын ҳәм екеўи де бир мәни билдирип келеди» [1:25].

Қалыңлық этнографизминде сыпайы мәни бар, ол *айттырылып, атастырылып қойылған қыз, келиншек* мәнилерин билдирип келеди. Бул этногра-